

Гасдиклайман  
Кўштепа туман Халқ таълими бўлими  
мудири \_\_\_\_\_ Н.Мадалиев  
*06.10.*  
2022йил



Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
**ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**  
Танлаш хажжатларининг мазмуни:

**I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ш.Техник қисим

Ш.Нархлар қисим

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Кўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 26,34,38 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш

1.2. Танлов охирги қиймати 88 334 331 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати— аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фарғона вилояти Кўштепа туман Халқ таълими бўлими, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кўштепа туман Қийқи МФЙ Сардоба кучаси 31 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

тандов предмети кийматининг камидаги 10 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёқат ва ваколатлар;

тандов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар тандов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, тандовда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга тандов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилинити лозим
- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний хукукка эгалик
- соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофисиз изярочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонут талабларини бузган шахслар қонуғчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб интирокчи леб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тасдиклайман  
Кўштепа туман Халқ таълими бўлими  
мудири Н.Мадалиев  
06.10.2022  
2022йил

Кўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 26,34,38 умумтаълим мактабларини  
жорий тамирлаш ишлари бўйича

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

Буюрмачи	Кўштепа туман Халқ таълими бўлими
Объект номи	Кўштепа туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 26,34,38 умумтаълим мактабларини жорий тамирлаш
Танлаш тартиб рақами	№
Танлаш тури	Очиқ танлаш
Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz маҳсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин
Танлаш этказик түгрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилди:	etender.uzex.uz маҳсус ахборот парталидан эълон қилинди.
Танлашда иштирок этишга куйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади	Етарли машина механизимлар билан таъминланган соҳа бўйича зарур түрувчи мухандисларга ва ухшаш обектлар қурилишда бой тажрибага эга булган. Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок етдилар. Қайта ташкил этилиш (бўлинниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. хамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдит ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- хуқукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорцум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса)	Сертификат Лицензия
Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Таклифларни тақдим этиш охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар
Танлаш хужжатлари тили	Узбек/Рус тиллари
Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизимлари асбоб-ускуналари	б-шаклига асосан Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизимлари рўйхати
Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этилидиган танлаш иштирокчилари	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар
Буюртмачининг обьект бўйича башланғич нархи	ҚҚС билан сумм
Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати	15 календар кун.
Молиялаштириш манбаси:	Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан
Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охирги тулов-70% иш хизматлар бажарилгандан (товар олиб келингандан) сўнг.
Машина механизимлар тўғрисида	Ташкилотни балансида мавжуд машина механизимлари хақида маълумотлар ёки керакли машина ва механизимлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати
Рейтинг	Пудратчининг Қурилиш вазирлиги маҳсус электрон

проталида рейтинги мавжудлиги түғрисида  
маълумот

Молиявий холати	Корхонани охирги чораклик ва йиллик баланс хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган булиш керак). Қурилиш ташкилотини хисоб рақамида конкурсдаги қурилиш ишларини суммасини 20% миқдорида пул маблағи мавжуд булиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги түғрисида банк хати
Ишчи ходимлар түғрисида	Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахасислар түғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПС га ўтказилган маблағлари түғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)
Иш тажрибаси	Ташкилотни охирги йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари түғрисида маълумот
Кафолат хати	Пудратчи бажарган ишлари учун 3 йилга кафолат муддати бериш керак. Агар шу маддат ичida носозлик холати аниқланса пудратчи хисобидан бартараф этилашини кўрсатиб ўтиш
Шартнома тили	Узбек тили
Шартнома валютаси	Узбек сўмда